

336.1(043.3)

ЖС96

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

**Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.74(575.1)**

**Жўраев Абдуғаффор Сафарович**

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги**

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент - 2005**

336.1(043.3)

Ж 96

Иш Тошкент молия институтининг  
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедрасида бажарилган

Илмий маслаҳатчи: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Шарифхўжаев Мурод Шарифхўжаевич**

Расмий оппонентлар: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Фуломов Саидахрор Саидахмедович**

**иқтисод фанлари доктори  
Хайдаров Низомиддин Ҳамроевич**


**иқтисод фанлари доктори  
Альмардонов Муҳамади Ибрагимович**

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмиғаси**


Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45.) қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2005 йил “19” май соат 14<sup>30</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил “14” апрел да тарқатилди.



Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби

 **Х.П.Абулқосимов**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ўз вақтида тўлиқ ва ижобий ҳал этиш маълум молиявий асосни талаб этадики, айнан ушбу асоснинг марказий бўғинини давлат бюджети даромадлари ташкил этади. Давлат молиясини соғломлаштириш, давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини, уларни шакллантириш манбалари мукамал нисбатини ва бутлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бюджет-солик тизимидаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир вақтнинг ўзида мамлакатимиз бюджетининг кейинги йиллар давомида дефицитли эканлиги, бюджетни белгиланган миқдордаги даромадлар билан таъминлаш масаласининг жуда катта қийинчиликлар билан ҳал этилаётганлиги, давлатнинг ихтиёрида бўлиши лозим бўлган молиявий ресурсларнинг етарли даражада эмаслиги унинг ўз олдига қўйган вазифаларини муваффақиятли бажаришига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Солиқлар хазинани тўлдириш сифатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим»<sup>1</sup>, - деган эди.

Шу ўринда иқтисодий эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-услубий асосларида қатор муаммоларнинг мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат бюджети солиқли даромадларининг таркибида эгри солиқлардан тушумларнинг нисбатан катта салмоққа эга эканлиги;
- давлат бюджети даромадларини аниқ таснифлаш мезонлари асосида шакллантириш амалиётининг мавжуд эмаслиги;
- давлат бюджети даромадларини шакллантириш концептуал асосларининг такомиллашмаганлиги.

Шу боисдан ҳам давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг даромад базасини мустаҳкамлаш масалалари қатор таникли хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Бочаров В., Вознесенский А., Гуйда Т., Дробозина Л., Кенэ Ф., Ключо М., Колчина Н., Корнаи Я., Красленд К., Лоуренс Дж., Матук Ж., Менвишков С., Милль Ж.,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т. Ўзбекистон, 1998. -358 б

Моляков Д., Печлер Ж., Поляк Г., Родионова В., Романовский М., Сабанти Б., Сперанский М., Тюрго А., Фишер С. ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган

Ўзбек олимлари ва мутахассисларидан Абдуллаев Ё.А., Абдуллаева Ш.А., Абдурахмонов Қ.Х., Ақромов Э.А., Альмардонов М.И., Воҳобов А.В., Гадоев Э.Ф., Ғозибеков Д.Ғ., Ғуломов С.С., Жамолов Х.Н., Иминов О.К., Қодиров А.Қ., Қосимов Р.С., Маликов Т.С., Олимжонов О.О., Собиров Ҳ.Р., Ҳайдаров Н.Ҳ., Шарифхўжаев М.Ш., Яхъёев Қ.А.лар давлат бюджетининг моҳияти, миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги роли, бюджет дефицитини юзага келиш сабаблари ва унга барҳам бериш йўллари хусусида кўпроқ илмий фикр ва мулоҳазалар билдирганлар. Шунингдек, бир қатор таниқли иқтисодчи-олимлар АҚШ, Германия, Япония, Россия каби давлатларнинг мисолида давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлганлар. Лекин ҳозиргача Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштиришга, бу борада мавжуд бўлган долзарб муаммоларнинг моҳиятини очиб беришга бағишланган махсус илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ-бюджет тизимидаги чуқур ислохотларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилинганлигига ва шу асосда давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг янги усули ва механизми ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳамон талайгина. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари шаклланишини барқарорлаштириш, солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш механизмини такомиллаштириш, тўлов интизомига риоя этиш, солиққа оид қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети даромадларини шакллантириш жараёнини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларини ёритиш масалалари ҳамон ўзининг мукамал ечимини кутмоқда.

Юқорида таъкидланганларнинг барчаси танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб бериб, унинг устида алоҳида илмий изланиш олиб боришни тақоза этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур ишнинг мавзуси Тошкент Молия институти Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиб, институтнинг устувор йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертацион тадқиқотнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш борасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

- давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

- давлат бюджети даромадларини шакллантириш хусусида таниқли иқтисодчи-олимлар томонидан билдирилган фикрларни киёсий ўрганиш ва умумлаштириш;

- давлат бюджети солиқли даромадларининг шаклланиши амалиётини таҳлил этиш ва унга хос бўлган муҳим тенденцияларни аниқлаш;

- давлат бюджети солиқсиз даромадларининг шаклланиш амалиётини таҳлил қилиш ва унга хос бўлган асосий тенденцияларни аниқлаш;

- солиққа оид қонунбузилишларни камайтириш ва улар олдини олишнинг давлат бюджети даромадларини кўпайтиришдаги зарурий шарт эканлигини асослаш;

- солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш;

- давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш юзасидан аниқ амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Илмий янгилиги.** Диссертацион тадқиқотда мамлакатимиз давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш борасидаги долзарб муаммолар илк бор мустақил илмий тадқиқот мавзуи сифатида ўрганилди, тадқиқ натижаларига асосланган ҳолда давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Диссертацион тадқиқотнинг ҳимояга олиб чиқилаётган асосий илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришга бағишланган назарий қарашларни киёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида муҳим илмий-назарий хулосалар шакллантирилди;

- давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг амалдаги мезонлари таҳлил ва тадқиқ қилинди ҳамда шу асосида бюджет даромадларини таснифлашнинг янада мукамаллашган мезонлари ишлаб чиқилди;

- мамлакатимиз солиқ, бюджет амалиётининг таҳлили асосида унинг ҳозирги замон муаммолари ёритилди, давлатнинг солиқ ва бюджет сиёсати вазифалари бажарилишининг реал аҳволи баҳоланди, бу соҳада мавжуд зиддиятлар аниқланди ҳамда уларни ҳал этиш мақсадида давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг зарурилги, моҳияти, омиллари, мамлакат макрокитсодий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти, ушбу

функционал алоқадорликнинг илмий асосланган мезонлари ва йўналишлари ишлаб чиқилди;

- бюджет даромадларининг солиқли манбалари комплекс таҳлил қилинди, уларни кўпайтириш имкониятлари ва бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлашни мукамаллаштириш йўналишлари илмий асослаб берилди;

- ривожланган хорижий давлатлар ва Шарқий Европа давлатларидаги давлат бюджети даромадларини шакллантиришга хос бўлган муҳим хусусиятлар ёритилди;

- давлат бюджети дефицитини қоплашнинг ноинфляция усулини мамлакатимизнинг бюджет амалиётида қўллашни такомиллаштириш имконини берувчи асосий омилларнинг мавжудлиги аниқланди ва илмий изоҳланди;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, акциз солиғи ва корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича тушум суммасининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги аниқланди ва унинг икки асосий сабабининг мавжудлиги, яъни ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда эгри солиқларни нисбатан узоқ вақт мобайнида ўзининг фискал функциясини сақлаб қолиши ва аҳоли даромадларининг номинал ҳажми ўсаяётганлиги асослаб берилди;

- 1999-2003 йиллар мобайнида мамлакатимизда солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги ва бу ҳолат мамлакатимизда ўтказилаётган хўжалик субъектлари ва аҳоли зиммасидаги солиқ юқини енгиллаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражасини қисқартириш сиёсатининг натижаси эканлиги асослаб берилди;

- тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадлари умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига барҳам бериш мақсадида солиқ имтиёзларининг амалдаги ҳолатини ва тўловсизлик (бюджетдан қарздорлик) муаммосининг сабаб-оқибатларини қайта кўриб чиқишнинг зарурлиги асослаб берилди;

- қишлоқ хўжалигида банд ерларда етиштириладиган ўсимликларнинг турлари бўйича даромадлиликнинг бир-бирдан кескин фарқланишини ҳисобга олган ҳолда, ер солиғининг ставкаларини белгилашда, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун фойдаланиладиган ердан олинадиган даромад миқдорини ҳисобга олишнинг лозимлиги асослаб берилди;

- юридик шахслар мол-мулк солиғининг рағбатлантирувчилик хусусиятини ошириш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш тақлиф қилинди;

- маҳаллий ҳокимият органларининг режадан ортиқча солиқлар тушумининг йигувчанлигини рағбатлантириш мақсадида ушбу тушумларни тақсимлашнинг ягона барқарор нормаларини ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилди ва умумий нормативларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида тартибга солувчи даромадлар (умумдавлат солиқлари)дан ва режадан ортиқча солиқ тушумларидан муайян миқдорларда маҳаллий бюджетларда

қолдирилишининг белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ эканлиги тақлиф этилди;

- солиққа оид қонунбузилишларни аниқлаш, огохлантириш ва уларни кескин камайтириш мақсадида солиқ назоратининг узлуксизлик тамойиллини қўллашни кучайтириш тақлиф қилинди. Мазкур тамойил солиқ қонунчилигини бажаришга оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган салбий жараёнларни ривожланиш тенденцияларини прогностлаш ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлаш усулларидан фойдаланиш заруриятини юзага келтирувчи ҳолатларни аниқлашга нисбатан қўлланилиши лозимлиги таъкидланди;

- давлат бюджети даромадларини шакллантиришда «фискал омил», «солиқ оғирлигини камайтириш» ҳамда «солиқларнинг иқтисодий функцияси» омилларини мувофиқлаштириш механизми юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

- давлатнинг ижтимоий вазибалари ва бюджет мажбуриятларининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган шароитда давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини таъминлаш Концепцияси ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди;

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда баён этилган асосий ишланмалар шундай бир воситалар мажмуини ташкил этганки, унда илгари сурилган тавсия ва тақлифлар давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари илмий тадқиқ этиш ва уларни ижобий ҳал этиш йўналишлари бўйича ўзининг реал тадбиқини:

- давлат бюджети даромадларининг моҳияти, манбалари ва омилларини янада батафсилроқ ўрганиш;

- давлат бюджети даромадлари самарали ижросини таъминлаш мақсадида давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари шаклланиши оптимал нисбатларига риоя этилиши ва ушбу даромадлар шаклланиш механизмини қайта кўриб чиқиш ва янада такомиллаштириш;

- бюджетларни шакллантиришда солиқ тушумларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш ва «маҳаллий бюджетларни молиявий тенглаштириш» сиёсати орқали бошқариш борасидаги амалий ва илмий изланишларни давом эттириш ҳамда янада чуқурлаштириш;

- олий ўқув юртларида «Молия», «Давлат бюджети», «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанларини ўқитишда топиши мумкин.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар, жумладан, давлат бюджети даромадлари самарали ижросини таъминлаш мақсадида солиқли ва солиқсиз даромадлар шаклланишининг мукамал нисбатларига риоя этилишини ва ушбу даромадлар шаклланиш механизмини такомиллаштиришга оид тавсиялар, бюджетларни шакллантиришда солиқ тушумларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш ва “маҳаллий бюджетларни молиявий тенглаштириш сиёсати” орқали бошқаришга оид аниқ тақлифлар бюджет-солиқ амалиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқотчининг илмий изланиш жараёнида ишлаб чиққан амалий таклиф ва тавсиялари, жумладан, босқичма-босқич давлат бюджетининг даромад қисмида тўғри солиқлар салмоғини ошириш; мол-мулк солиғини рағбатлантирувчи хусусиятини таъминлаш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимумларни жорий этиш; кишлоқ хўжалиги субъектларидан олинadиган ягона ер солиғи ставкасини муайян ерларда етиштириладиган маҳсулот турларига мос равишда табақалаштириш; экология солиғини хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитга зарар етказиш даражасига кўра такомиллаштириш; давлат бюджети даромадининг қарийб 1/4 қисмини таъминлаб берадиган қўшилган қиймат солиғи бўйича ишлаб чиққан таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг “Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари” қўмитаси (2005 йил 6 апрелдаги 05-06/58), Молия вазирлиги (2005 йил 27 январдаги ДМ/04-01-04/79), Давлат солиқ қўмитаси (2005 йил 26 январдаги 11-694) ва Тошкент молия институти (2004 йил 25 сентябрдаги 01/24-52) маълумотномаларида эътироф этилган ва амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертацион тадқиқотнинг асосий ғоялари қатор илмий-амалий семинарларда ва 8 та халқаро анжуманларда баён этилган ва маъқулланган. Жумладан, диссертация иши Тошкент Молия институти Молия-иқтисод факультети “Молия”, “Солиққа тортиш ва суғурта иши”, “Қимматли қоғозлар ва биржа иши” ва “Лойиҳаларни молиялаштириш” кафедраларининг кенгайтирилган кафедралараро қўшма мажлисида; Минтақавий банк ўқув маркази муаммовий илмий семинарида; Андижон Мухандислик-иқтисодиёт институти “Молия”, “Иқтисодиёт назарияси ва касбий таълим”, “Иқтисодий информатика” ва “Иқтисодиёт” кафедраларининг кенгайтирилган йиғилишида ташкил этилган илмий семинарида; Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Молия ва кредит”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ва “Иқтисодий фанлар” кафедраларининг кенгайтирилган йиғилишида ташкил этилган илмий семинарида; Тошкент Давлат иқтисодиёт университети “Молия ва солиққа тортиш”, “Микроиқтисодиёт”, “Иқтисодиёт назарияси” ва “Халқаро молия” кафедралари қўшма мажлисининг илмий семинарида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги “Иқтисодиёт” йўналиши бўйича муаммовий илмий семинарида муҳокамадан ўтган ва ижобий баҳоланган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий ҳажми 52 босма тободан ортиқ бўлиб, жами 34 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 21 таси журнал мақолалари бўлиб, уларнинг 8 таси чет мамлакатларда эълон қилинган. 1 та монография, 4 та ўқув қўлланма чоп этилган. Бундан ташқари муаллиф томонидан 44 та ўқув-услубий ишлар ҳаммуаллифликда тайёрланган ва улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда.



Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 320 бетлик матнни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, илмий янгиллиги ҳамда амалий аҳамияти баён этилган.

**Тадқиқотнинг биринчи боби “Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”га** бағишланган бўлиб, унда давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг зарурлиги, моҳияти, манбалари, таснифлаш мезонлари, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда давлат бюджети дефицити каби масалалар ўрганилган.

**Тадқиқотнинг иккинчи боби “Давлат бюджетининг солиқли даромадлари”** деб номланиб, унда солиқли даромадларни шакллантириш амалиётига хос бўлган асосий тенденциялар аниқланган ҳамда солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш тартиби ва солиқ тўловчиларнинг тўлов интизомига риоя қилиш ҳолатлари тадқиқ қилинган.

**Диссертацион тадқиқотнинг учинчи бобида** давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари тадқиқ қилинган. Бунда асосий эътибор солиқсиз даромадларнинг зарурлиги, моҳияти ва уларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг ўзгаришини аниқлашга қаратилган.

**Тадқиқотнинг тўртинчи бобида** солиққа оид қонунбузилишларни камайтириш ва уларнинг олдини олиш – давлат бюджети даромадларини кўпайтиришнинг зарурий шарти сифатида таҳлил қилинган. Ушбу бобда солиққа оид қонунбузилишларга солиқ тизими орқали таъсир этишнинг асосий йўналишлари; солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий усуллари ҳамда солиққа оид қонунбузилишларни кескин камайтириш ва уларнинг олдини олиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш йўллари кўриб чиқилган.

**Тадқиқотнинг бешинчи боби “Иқтисодийётнинг эркинлашуви шароитида** давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” деб номланган ва унда хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини солиқлар орқали рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари белгилашни ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

**Тадқиқотнинг хулоса ва тақлифлар қисмида** муаллиф томонидан шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий тақлифларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган.

## **2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Давлат бюджетининг асосий молиявий категория сифатида жамият ҳаётидаги ролининг ошириб бориши, аввало, унинг даромад базаси қай тарзда шаклланганлигига боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳар доим долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш масалалари классик иқтисодчилар – А.Смит, Д.Рикардоларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Кейинчалик бу масала А.Тюрго, Ф.Кенэ, И.Фишер, С.Фишер, Ж.Милль, Г.Жорж, С.Вольтер, Ж.Кейнс, М.Сперанский каби таниқли иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилган.

Ҳозирги вақтда дунёнинг деярли барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджети даромадларининг бирламчи манбаи ҳисобланади. Ривожланган давлатларда, хусусан, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадада солиқлар давлат бюджети даромадларининг 90 фоизгача бўлган қисмини, АҚШда эса 70 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади.<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий (90 фоиздан ортиқ) қисми ҳам солиқ тушумларидан иборат.

Классик иқтисодчилардан А.Смит солиқларни фақат давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилди. Унинг фикрига кўра, солиқлар ҳукуматни сақлаш харажатларини қоплашга етиши зарур. Демак, А.Смит ўзининг бутун диққат-эътиборини солиқларнинг фискаллик функциясига қаратди.

Классик иқтисодчи Д.Рикардо А.Смитнинг солиқлар тўғрисидаги назариясини сезиларли даражада тўлдирди ва солиққа тортишнинг янги тамойилни яратди. Ушбу тамойилга кўра, барча солиқлар, агар у ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ёки ноишлаб чиқариш характеридаги истеъмолни камайитиришга асосланган ҳолда ўрнатилмаган бўлса, капитални жамғаришга тўсқинлик қилади.<sup>3</sup>

Солиқларни давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришда Ж.Кейнснинг хизматлари жуда каттадир. Унинг фикрига кўра, бозор механизми такомиллашмаган механизмдир, шунинг учун иқтисодиёт ўз-ўзини бошқаришнинг самарали инструментларига эга эмасдир. Бундай шароитда фақат давлат фискал ва пул-кредит сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиш қобилиятига эгадир. Ж.Кейнс мазкур усуллар ичида солиқларни бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги ролига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрича, юқори прогрессив солиқлар давлат бюджетини мувозанатлашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунда давлатнинг адолатли ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этади, чунки аҳолининг кам таъминланган қатламлари солиқдан озод қилинади ва солиқ юки тўлиқ бадавлат солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Ж.Кейнснинг қатъий тарзда эътироф этишига кўра, қатта жамғармалар иқтисодий ўсишга ҳалакит беради, чунки улар ишлаб чиқаришга йўналтирилмайди ва даромадларнинг пассив манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ортиқча жамғармаларни солиқлар ёрдамида ундириб олиш зарур.<sup>4</sup>

Таниқли рус иқтисодчи-олимларидан М.Сперанский ва С.Виттилар солиқларнинг бюджет даромадлари сифатидаги ролига баҳо берганлар. Уларнинг назарий қарашларига хос бўлган ўзига хос жиҳат – бу солиққа

<sup>2</sup> Финансы. Уч. для вузов. Под ред. Л.А.Дробозиной. –М.: ЮНИТИ, 2003. –С. – 158.

<sup>3</sup> Рикардо Д. Начала политической экономики и податного обложения. –М.:1908, М. –Л.:1929; М.,1935. –С. 193.

<sup>4</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. –М.: Прогресс, 1978. – С. 365.

тортишнинг маънавийлик тамойилини ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади. Ушбу тамойилга кўра ўзига тўқ, бадавлат мулк эгаларига нисбатан қўшимча солиқларнинг ва юқори солиқ ставкаларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбек олимларидан Қ.А.Яҳёев солиқларни бюджет даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилар экан, «Солиқларнинг объектив зарурлиги – давлатнинг бажарадиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади» деган хулосани шакллантирган.<sup>5</sup> Т.С.Маликовнинг фикрига кўра «Солиқлар иқтисодий категория сифатида миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келганлиги ва фаолият кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қисмидир».<sup>6</sup>

Солиқларнинг бюджет даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришга бағишланган назарий қарашларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, биринчидан, солиқлар давлатнинг функцияларини бажаришнинг асосий ва бирламчи молиявий манбаи ҳисобланади; иккинчидан, солиқларнинг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги роли бевосита давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси билан белгиланади; учинчидан, солиқлардан бюджетнинг иқтисодий мазмундаги харажатини молиялаштиришда фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор бериш амалий аҳамият касб этади, чунки ривожланаётган давлатларда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш давлатнинг иқтисодиётга фаол молиявий аралашувини зарур қилиб кўяди; тўртинчидан, солиққа тортиш тамойилларининг бузилишига йўл қўймаслик солиқ тушумларининг барқарорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади; бешинчидан, республикамиз иқтисодиётининг инвестицион ресурсларга бўлган юқори даражадаги талабини қондириш мақсадида солиқларнинг жамғармаларга таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) ҳамда Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан Шарқий Европа мамлакатлари молиявий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётган мамлакатлар сифатида эътироф этилган. Шу боисдан ҳам диссертацияда Шарқий Европадаги бир қатор давлатларнинг бюджет амалиётига хос бўлган ижобий жиҳатлар кўриб чиқилган.

Шарқий Европа мамлакатлари давлат бюджетлари даромадларининг 90 фоизига яқин қисми солиқлар ҳисобига шаклланади. Шуниси характерлики, Болгария, Венгрия, Польша ва Чехияда ижтимоий суғурта фондига тўланадиган бадаллар давлат бюджетининг асосий даромад манбаи ҳисобланмайди.

Ҳозирги вақтда Шарқий Европа мамлакатларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришга хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- Давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида эгри солиқлар юқори салмоқни эгаллайди. Бу юқори салмоқ қўшилган қиймат солиғи ва

<sup>5</sup> Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –11 б.

<sup>6</sup> Тоҳир Маликов. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 18 б.

акцизлар ҳисобига таъминланади. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солигидан олинадиган тушумларнинг давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи Болгарияда 55,5 фоизни, Венгрияда – 44,7 фоиз, Польшада – 60,2 фоиз, Чехияда – 35,7 фоизни ташкил қилади.<sup>7</sup>

Мазкур мамлакатларнинг солиқ амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, уларда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларининг ставкалари юқори; иккинчидан, эгри солиқларга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг тури жуда кам. Масалан, Венгрияда қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 25 фоиз бўлиб, имтиёзли солиқ ставкаси 12 фоизни ташкил этади. Польшада бу кўрсаткичлар мос равишда 22 фоиз ва 7 фоиз, Чехияда 22 фоиз ва 5 фоиздир.

▪ Шарқий Европа мамлакатлари давлат бюджетининг даромад қисмида аҳолидан олинадиган даромад солиғи салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, асосан, даромад солиғи ставкаларининг юқори эканлиги билан изоҳланади. Масалан, Болгария ва Венгрияда аҳолидан олинадиган даромад солиғи ставкаси 20 фоизни, Чехияда 15 фоизни ташкил этади.

▪ Давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ тушумларининг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлаяпти. Бу ҳолатнинг асосий сабаби, солиқ ставкаларини доимий равишда пасайиб борилаётганлигидир. Масалан, Польшада 1998 йилда юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқнинг ставкаси 36 фоиз бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 22 фоизни ташкил қилади. Венгрияда мазкур солиқнинг ставкаси 18 фоизни, Болгарияда эса 15 фоизни ташкил этади.

Диссертацион тадқиқотда давлат бюджети дефицитининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уни бошқариш юзасидан давлат тадбирлари, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида уни молиялаштиришда ноинфляцион манбалар аҳамиятининг ўсиб бориши чуқур ўрганилди ва шу асосида Ўзбекистонда бюджет дефицитини бошқаришда қуйидаги талабларга эътибор бериш лозимлиги тўғрисида хулосага келинди: миллий валютанинг барқарорлигини сақлашнинг аниқ дастурлари ишлаб чиқилиши; бюджет дефицитини қоплашнинг самарали йўллари қидириб топилиши; давлат бюджети ҳисобидаги иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришни қисқартириш, ҳарбий харажатларга оқилона маблағ сарфлаш; секвестр механизмининг ишлаб чиқиш (харажатларни пропорционал равишда қисқартириш) ва уларнинг бажарилишига бевосита эришиш.

Бюджет дефицитини қоплашнинг ноинфляцион усулларидан фойдаланишга устуворлик бериш, бюджет дефицитининг даражасини халқаро бюджет амалиётида қабул қилинган мўътадил даражада сақлаб туриш, иқтисодий категория сифатида давлат бюджети дефицитининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан юзага келадиган салбий таъсирининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари таркибида солиқлар юқори салмоқни эгаллайди (1-жадвал).

<sup>7</sup> Бутанов Д.Д. Реформирование бюджетных систем: опыт восточной Европы. //Финансы, №9. 2000. –С.55.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий солиқ турлари  
бўйича даромадлар тарқиб ва динамикаси\***

№	Солиқ турлари	1999		2000		2001		2002		2003		2004 (прог.)	
		Сумма (млрд. сўм)	Сал- моғи (%)	Сумма (млрд. сўм)	Сал- моғи (%)	Сумма (млрд. сўм)	Сал- моғи (%)	Сумма (млрд. сўм)	Сал- моғи (%)	Сумма (млрд. сўм)	Сал- моғи (%)	Сумма (млрд. сўм)	Сал- моғи (%)
1.	Корхоналарнинг фойда- сидан олинadиган солиқ	94,4	17,4	118,7	15,7	142,7	12,4	174,0	10,2	210,5	9,4	257,7	10,6
2.	Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ	88,2	16,2	121,7	16,1	190,2	16,5	265,3	15,6	319,7	14,3	334,2	13,7
3.	Кичик корхоналардан олинadиган ягона солиқ	-	-	-	-	28,4	2,5	66,2	3,9	86,8	3,9	85,8	3,5
4.	ҚҚС	154,9	28,5	220,0	29,1	320,4	27,9	447,8	26,3	535,8	24,0	604,3	24,8
5.	Ақдиз	123,6	22,7	172,3	22,8	301,8	26,3	490,0	28,8	693,6	31,1	751,6	30,9
6.	Ресурс солиқлари	68,1	12,6	90,0	12,0	117,5	10,2	139,3	8,2	222,3	9,9	260,1	10,7
7.	Инфратузилмани ривож- лантириш солиғи	6,2	1,1	9,9	1,3	16,6	1,4	39,7	2,3	40,7	1,8	45,7	1,9
8.	Божхона божи	8,3	1,5	22,5	3,0	32,0	2,8	53,6	3,2	86,1	3,9	30,7	1,3
9.	Бошқа солиқлар	-	-	-	-	-	-	25,0	1,5	38,2	1,7	64,7	2,6
	<b>Жами солиқли даромадлар</b>	<b>543,7</b>	<b>100,0</b>	<b>754,9</b>	<b>100,0</b>	<b>1149,6</b>	<b>100,0</b>	<b>1700,9</b>	<b>100,0</b>	<b>2233,7</b>	<b>100,0</b>	<b>2434,8</b>	<b>100,0</b>

\* Жадал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадларининг умумий ҳажмида ҚҚС, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ, акциз солиғи, божхона божи ва корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича тушум суммалари юқори салмоқни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эгри солиқлар нисбатан узоқ давр мобайнида ўзининг фискаллик аҳамиятини сақлаб қолади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам ана шундай давлатлар тоифасига киради ва, бинобарин, эгри солиқларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи нисбатан юқоридир. Иккинчидан, аҳоли турмуш даражасининг ошиши, уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши аҳоли даромадлари номинал ва реал ҳажмларининг ошишига олиб келади. Масалан, 2003 йилда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг 1999 йилга нисбатан мутлақ суммада ўсиши 362,5 фоизни (319,7\*100/88,2) ташкил қилди. Бу эса, аҳоли даромадлари номинал ҳажмининг юқори даражада ўсганлиги билан изоҳланади.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, 1999-2004 йиллар мобайнида корхоналар фойдасидан олинадиган солиқнинг бюджет даромадлари умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу ҳолат, мамлакатимиз ҳукумати томонидан хўжалик субъектларининг солиқ юқини енгиллаштириш сиёсатининг натижасидир. Хўжалик субъектлари солиқ юқининг асосий қисми уларнинг фойдасидан олинадиган солиқ ҳисобидан шаклланади. Шунинг учун корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ бўйича амалдаги ставкаларнинг пасайтирилиши, солиқ имтиёзларининг берилиши корхоналарнинг пул оқими ва молиявий барқарорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида қисқа муддатли даврий ораликларда корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ тушумининг давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи пасаяди, лекин ўрта ва узоқ муддатли даврий ораликларда корхоналарнинг даромадлари сезиларли даражада ошиб, уларнинг фойдасидан олинадиган солиқ тушумлари кўпаяди. Шу жиҳатдан олганда, ҳукуватимиз томонидан хўжалик субъектларининг солиқ юқини енгиллаштириш сиёсатини олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу жараённинг миллий иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларида ўзининг яққол ифодасини топган: «Корхоналар зиммасидаги солиқ юқининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлантиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга».<sup>9</sup>

Республикамиз давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -360 б.

жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ тушумлари тахлил қилинаётган давр мобайнида юқори салмокни эгаллайди. Ушбу ҳолат бюджет даромadларини шакллантириш нуқтаи – назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, миллий иқтисодиёт ривожланиб бориши жараёнида жамиятда макроеқтисодий барқарорлик таъминланиши билан жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқни нафақат тўғри солиқлар таркибидagi салмоғи, балки давлат бюджети даромadларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ҳам ошиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромadлари таркибидa божхона божи ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. 1999-2003 йилларда мазкур йиғимлар бўйича тушум суммаларининг солиқли даромadларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур йилларда мамлакатимизда импорт операциялари ҳажмининг ва бож йиғимлари ставкаларининг ошиб борганлиги билан изоҳланади.

Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш тартибини такомиллаштириш давлат бюджетининг даромad базасини шакллантириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, асосий ва барқарор тушум манбаи бўлган солиқ турларини маҳаллий бюджетларга ўз даромad базасини шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ва, аксинча, маҳаллий бюджетларнинг даромad базасини асосан тартибга солувчи даромadлар ҳисобидан шаклланиш тартибини юзага келтириши маҳаллий молия органларида локайдликни юзага келтириши ҳамда солиқ ундириш самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин.

Юқоридa кайд этилган ҳолатлар солиқ тушумларини бюджетлараро тақсимлаш тартибини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири маҳаллий бошқарув органларини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодиётидаги ролини ошириш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бошқарув органларининг марказлашган пул фонди бўлган маҳаллий бюджетларнинг даромad базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу жараёнда марказий ўринни шубҳасиз, солиқ тушумларини республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш тартибини такомиллаштириш масаласи эгаллайди.

Солиқ тушумларини бюджетлараро тақсимлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналиши И.А.Каримовнинг қатор асарларида ўз аксини топган. Чунончи, И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон буюк келажак сари» номли асарида солиқ тушумларини бюджетлараро тақсимлашни такомиллаштириш хусусида шундай дейди: «Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир».<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари – Т.: Ўзбекистон, 1998. -361 б.

Бизнинг фикримизча ҳар бир маҳаллий бюджетнинг тартибга солувчи даромадларининг миқдори камида уч молия йили мобайнида ўзгармайдиган норматив кўрсаткичлар шаклида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур нормативларни ишлаб чиқиш учун асос қилиб, илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий нормативлар олиниши лозим. Бундай нормативлар ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилади ва улар бюджет харажатларининг оқилона даражасини белгилаш имконини беради.

Республикаимиз бюджет амалиётида ислохотларнинг ҳозирги босқичида солиқ тушумларидан тартибга солувчи даромадлар сифатида фойдаланишда барқарорлик мавжуд эмас. Буни қўйидаги маълумотлар орқали кузатиш мумкин. Масалан, 2002 йил учун умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга қилинадиган ажратмалар нормативига кўра ҚҚСдан қилинадиган ажратмалар нормативи Андижон вилояти учун 100 фоиз, Бухоро вилояти учун 32 фоиз, Навоий вилояти учун 72 фоиз, Тошкент вилояти учун 61 фоиз қилиб белгиланган эди.<sup>11</sup> 2003 йил учун белгиланган нормативлар тартибга солувчи солиқлар бўйича юқорида қайд этилган вилоятлар бўйича қўйидаги миқдорларни ташкил этади: Андижон вилояти – 100, Бухоро – 35, Навоий – 56, Тошкент вилояти – 40 фоиз.<sup>12</sup>

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ривожланган хорижий мамлакатларда солиқ тушумларини бюджетлараро тақсимлашнинг такомиллашган тартиби юзага келтирилган. Айниқса, бюджет харажатларини минимал ижтимоий ва молиявий нормативлар асосида режалаштирилиши бюджетларнинг даромадларини тартибга солиш жараёнида юзага келадиган субъективизмга барҳам берган. Аммо маҳаллий бюджетларнинг харажатлари айрим даврий оралиқларда уларнинг даромадига караганда тез ўсади. Бунинг натижасида Марказий бюджетдан дотация олиш зарурияти юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларнинг бюджет амалиётида ҳам дотациялар билан боғлиқ салбий ҳолатларга барҳам берилмаган. Хусусан, дотациялар маҳаллий молия органларида боқимандалик кайфиятини юзага келтиради, уларнинг хўжалик ташаббускорлигини ривожлантириш имконини бермайди, молиявий назоратни сусайтиради.

Лекин дотациялар ва субвенцияларнинг жиддий камчиликларга эга бўлишига қарамасдан, маҳаллий бюджетларни зарур манбалар билан таъминлаш усули сифатида лозим эканлигини эътироф этиш зарур. Бюджетларнинг дотацион эканлигига барҳам бериш мақсадида уларга нобарқарор даромад манбаларини бириктириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, бундай бюджетларда доимий равишда кассали узилиш юзага келиши бюджет даромадлари ҳисобидан сметада кўзда

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Асосий макроектисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат буюджетининг 2002 йилги параметрлари тўғрисида» ги 493-сон Қарори.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Асосий макроектисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат буюджетининг 2003 йилги параметрлари тўғрисида» ги 455-сон Қарори.



тутилган харажатларни ўз вақтида молиялаштирилмаслигига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, дотациялар ва субвенциялар маҳаллий молия органларини зарур пул маблағлари билан таъминлаб туриш воситаси сифатида сақлаб қолиниши лозим. Улардан маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар ва унинг тартибга солувчи даромадлари бўйича белгиланган режани бажарилмай қолиши натижасида юзага келадиган пул етишмовчиликларини коплаш мақсадида фойдаланишга рухсат этилмаслиги керак. Дотация ва субвенциялар жорий молиявий йилда бюджет харажатларининг фақат кўзда тутилмаган ҳолдаги ўсишини молиялаштириш мақсадларига берилиши шарт.

Мамлакатимизнинг таникли иқтисодчи-олимларидан Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Ҳайдаров, Ҳ.Собиров, Қ.Яхёевлар солиқларни тадқиқ қилиш жараёнида уларни тўғри ва эгри солиқларга ажратиш зарурлигини ҳамда улар ўртасида оқилона нисбатни шакллантириш масаласининг долзарблигини эътироф этганлар. Тўғри солиқлар бевосита даромаддан ёки солиқ тўловчиларга тегишли бўлган мол-мулклардан олинади. Эгри солиқлар эса, товарларни сотиш айланмасидан, хизматлар кўрсатиш ҳажмидан уларнинг баҳосига қўшимча шаклда ундириладиган солиқлардир.

Тўғри солиқларнинг асосий турларига юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи, аҳолидан олинadиган даромад солиғи ва мол-мулк солиқлари киради. Бу солиқлар товарлар баҳосининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатмаса-да, лекин улар корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида тўғри солиқларнинг таркиби ва ундаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг ўрни<sup>13</sup>**

№	Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
1.	Давлат бюджети даромадлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
2.	Шу жумладан: тўғри солиқлар	40,6	37,8	37,7	34,6	35,8	-4,8

Келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, 1999-2003 йиллар мобайнида тўғри солиқларнинг мамлакат давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга. Бу эса, халқаро

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

бюджет амалиётида шаклланган тенденциялар нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, мазкур тенденцияларга мувофиқ, бозор иктисодиёти шароитида тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи барқарор тарзда сақлаб турилиши ёки ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2003 йилда 1999 йилга нисбатан юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигининг тўғри солиқлар умумий ҳажмидаги салмоғи сезиларли даражада (13,6 фоизли пунктга) пасайган.

**3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ амалиётида тўғри солиқларнинг таркиби ва динамикаси<sup>14</sup> (фоизда).**

Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
Тўғри солиқлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
Шу жумладан:						
-юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	37,6	35,9	29,8	27,0	24,0	-13,6
-тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3,7	5,0	5,8	5,4	8,5	+4,8
-аҳолидан олинадиган даромад солиғи	31,4	31,8	33,9	35,8	36,6	+5,2
-кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ	-	-	5,9	10,3	5,6	+5,6
-юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	7,7	8,5	8,0	5,3	6,3	-1,4
-ер солиғи	10,4	8,8	7,8	5,9	7,3	-3,1
-ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	2,8	3,2	1,9	2,8	2,9	+0,1
-сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1,0	1,2	1,0	1,0	1,0	-
-экология солиғи	5,3	5,5	5,9	6,6	7,7	+2,4

Таҳлил натижалари ҳозирги вақтда тўғри солиқлар ичида салмоғига кўра биринчи ўринни аҳолидан олинадиган даромад солиғи эгаллашини кўрсатапти. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, мазкур солиқ

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

кўпроқ ўзининг фискаллик функциясини бажармоқда. Бу ҳолат солиқ ставкаларини нисбатан юқори эканлигида ва энг паст ставкаларини даромадларнинг катта бўлмаган қисмига нисбатан ўрнатилганлигида намоён бўлади. 2002 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг паст ставкаси 13 фоиз бўлиб, у энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдордаги даромад солиғига нисбатан қўлланилди. 1998-1999 йилларда мазкур солиқ бўйича 5 поғонали ставка қўлланилди ва энг юқори солиқ ставкасининг даражаси 45 фоизни ташкил этар эди. 2000 йилда ҳам юқори солиқ ставкаси сақланиб қолинди, яъни 4 поғонали ставкалар мавжуд бўлиб, энг юқори солиқ ставкасининг даражаси 40 фоизни ташкил этган. 2001 йилга келиб, даромад солиғини ҳисоблашнинг 3 поғонали тизими жорий қилинди. Аммо иш ҳақининг 10 баробаридан юқори бўлган даромадлардан энг юқори ставкада (36 фоиз) солиқ олинадиган бўлди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг чегара ставкасининг 1999 йилги 45 фоиздан 2004 йилга келиб 30 фоизга туширилишига қарамасдан мазкур даврда реал ставка 15,4 фоиздан 21,3 фоизга ошди. Бу ҳолат тўлов интизомининг мустаҳкамланганлиги ва аҳолининг реал даромадлари ҳажмини ошганлиги билан изоҳланади.

Жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсади солиқ ставкаларини пасайтириш концепциясини давом эттириш ва 3 поғонали солиқ ставкаларидан 2 поғонали солиқ ставкаларига ўтиш ҳисобланади.

Таҳлил натижаларидан кўрсатишича, Республикамиз бюджет амалиётида тўғри солиқларнинг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи эгаллайди. Мазкур солиқ салмоғи пасайиш тенденциясининг юзага келганлиги, асосан, солиқ ставкаларини 1999-2003 йиллар мобайнида сезиларли даражада пасайтирилганлиги билан изоҳланади. Масалан, 1999 йилда юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигининг ставкаси 33 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этди.

Республикамизда тўғри солиқларнинг умумий ҳажмида сезиларли салмоқни эгаллайдиган солиқ турларидан бири кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ ҳисобланади. 2003 йилда мазкур солиқнинг тўғри солиқлар таркибидаги салмоғи 5,6 фоизни ташкил қилди. Шуниси характерлики, ушбу ҳолат республикамизда кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан яратилган маҳсулотларнинг ЯИМдаги улушини таҳлил қилинган давр мобайнида сезиларли даражада ўсганлиги билан изоҳланади. Масалан, 2000 йилнинг 1 январ ҳолатига мазкур кўрсаткич республика бўйича 29,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб унинг даражаси 33,8 фоизни ташкил қилди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини ривожланиши ҳукуматнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига яратаётган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар билан изоҳланади. Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига мувофиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари экспорт тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод қилинди. Бундан ташқари, уларга нақд валютада товарлар ва хизматларни экспорт қилишга рухсат этилди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таркибидаги ўрнини таҳлил қилинган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркибидаги ўрни<sup>15</sup> (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
1.	Давлат бюджети даромадлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
	Шу жумладан:						
	- эгри солиқлар	46,1	45,6	51,9	54,6	57,8	+11,7

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 1999-2003 йиллар мобайнида эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур тенденциянинг мавжудлиги давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, ҚҚС ва акциз солиғи иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҚҚС, акциз солиғи каби барқарор даромад манбаларини бюджет даромадларининг таркибидаги юқори салмоғини таъминлашнинг зарурлигини келтириб чиқаради.

Ишда эгри солиқларнинг таркиби ва динамикаси ҳам таҳлил қилинган (5-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, эгри солиқлар бўйича тушумларнинг умумий ҳажмида салмоғига кўра асосий ўринни ҚҚС ва акциз солиғидан олинган тушумлар эгаллайди. Хусусан, 2003 йилда иккала солиқ тури бўйича олинган тушумлар суммаси эгри солиқлар умумий суммасининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилган.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

**Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида эгри солиқларнинг таркиби ва динамикаси<sup>16</sup> (фоизда)**

Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
I. Эгри солиқлар –жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
Шу жумладан:						
1) ҚҚС	54,0	53,0	49,0	44,1	39,6	-14,4
2) Акциз солиғи	43,1	41,5	46,1	48,2	51,2	+8,1
3) Бож тўловлари	1,7	2,5	2,7	2,9	3,0	+1,3
4) Товарларни олиб қилганликлар учун жисмоний шахслардан олинган йиғим	1,2	2,9	2,2	2,4	3,3	+2,1
5) Жисмоний шахсларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмол қилганликлари учун солиқ	-	-	-	2,4	2,8	+2,8

ҚҚС Ўзбекистон Республикаси солиқ амалиётида эгри солиқлар асосий тури сифатида муҳим ўрин тутди. 1999-2003 йиллар мобайнида ҚҚСнинг эгри солиқлар ҳажмидаги салмоғи юқори даражаси сақланиб қолган.

Аммо 2003 йилда бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 14,4 пунктга пасайган. Ушбу пасайиш акциз солиғи, бож тўловлари ва бошқа эгри солиқлар салмоғининг ўсиши ҳисобига юз берган. Лекин шунинг эътирофи этиш лозимки, ушбу солиқлар ичида акциз солиғи бўйича тушумлар суммасини 2003 йилда 1999 йилга нисбатан мутлақ суммада ва салмоқ жиҳатдан ўсганлиги муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки акциз солиғи эгри солиқларнинг таркибида юқори салмоқни эгаллайди ва ҳажмига кўра ҚҚСдан кейинги ўринда туради.

1999-2003 йиллар мобайнида бож тўловлари салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, республикамизда хўжалик субъектларининг ва аҳолининг ташқи савдо операцияларини ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси солиқ амалиётида жисмоний шахслардан транспорт воситалари солиғини ундиришни енгиллаштириш мақсадида 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ суммасини ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари нархи таркибида ундириш жорий қилинди. 2002 йилда биригина бензин ёқилғиси бўйича жисмоний шахслардан ундирилган солиқ миқдори 2000 йилдагига нисбатан 7,8 мартага, 2001 йилдагига нисбатан эса 7,1

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

мартага юкори бўлди. Бу эса, мазкур солиқнинг давлат бюджети даромадлари таркибдаги аҳамиятининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида тўлиқ ўтказилишини таъминлаш тўлов интизомини мустақкамлашни тақозо этади. Бу вазифанинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги солиқ сиёсати таъсирчанлиги ва самарадорлигининг паст эканлигини, солиқларнинг ўз функцияларини тўлиқ бажармаётганлигини кўрсатади.

Бюджет тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаслиги давлат учун зарур бўлган даромадларнинг ўз вақтида олинмаслигига ва бунинг натижасида давлат харажатларини молиялаштиришда жиддий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Жаҳон солиқ амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, бюджетга тўловсизликларни юзага келтиришнинг асосий сабабларидан бири - солиқ оғирлигининг сезиларли даражаси ҳисобланади. Кўп йиллик солиқ тарихига эга бўлган мамлакатларнинг тажрибасига кўра, солиқлар орқали солиқ тўловчилар даромадларининг 40 фоиздан ортиқ қисми бюджетга олиб қўйилмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 40 фоиздан ошса, у ҳолда корхонанинг пул оқими сезиларли даражада заифлашади ва бунинг натижасида корхонанинг бюджет олдидаги тўловларини амалга ошириш қийинлашади.

Бюджетга тўловсизликни юзага келтирувчи иккинчи асосий сабаб, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий аҳволининг ёмонлашуви ҳисобланади. Улар молиявий ҳолатининг ёмонлашуви натижасида жорий йил фойдасининг кескин камайиши, зарарларнинг пайдо бўлиши юз беради. Бу эса, ўз навбатида, бюджетга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишига салбий таъсир кўрсатади.

Бюджетга тўловсизликни юзага келтирувчи муҳим сабаблардан яна бири корхоналар раҳбарлари томонидан онгли равишда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳисобланади. Бунда қуйидаги йўллардан кенг фойдаланилмоқда:

- а) корхона сунъий равишда банкрот деб эълон қилиш;
- б) корхона активларини янги ташкил этилган корхоналарнинг балансига ўтказиш;
- в) бир неча операцияларни амалга ошириб олиш учун жуда қисқа мuddат фаолият кўрсатадиган фирмалар ташкил қилиш.


Бюджетга тўловсизликларни юзага келтирадиган муҳим сабаблардан бири баҳо сиёсатидаги камчиликлар ва солиқ тўловчиларнинг тўловга қобил талабининг пастлиги ҳисобланади. Масалан, баҳо сиёсатидаги камчиликлар баҳолар билан солиқ тўловчиларнинг даромадлари ўртасидаги номутаносибликни юзага келтиради. Хусусан, монопол корхоналарнинг товарлари ва хизматлари баҳосининг юкори даражада бўлиши корхоналарнинг операция харажатларининг муттасил ўсиб боришига сабаб

бўлади. Бунинг натижасида корхоналарнинг пул оқими сезиларли даражада заифлашади ва бюджетга тўловларни амалга оширишда муаммолар юзага кела бошлайди. Аҳолининг даромадлари билан уй-жой, коммунал-тўловларнинг истёжмол товарлари баҳосининг номутаносиблиги сабабли аҳолидан олинadиган солиқларни ундиришда ҳам муаммолар юзага келмоқда.

Диссертацияда бюджетга тўловсизлик муаммосининг жорий ҳолагига баҳо берилган (1-диаграммага қаранг).

1-диаграмма

1999 - 2003 йилларда юридик ва жисмоний шахслар бюджет олдидаги қарздорликларининг асосий солиқ турлари бўйича ҳолати<sup>17</sup> (фоизда)



Таҳлил натижалари солиқлар бўйича тўловсизликнинг умумий ҳажмида ҚҚС ва юридик шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тўловсизлик суммаси юқори салмоқни эгаллашини кўрсатмоқда. Бу эса, давлат бюджети даромадларининг шаклланишига кучли салбий таъсирни юзага келтиради, чунки ушбу солиқлар бўйича тушумлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Таҳлил қилинган давр мобайнида бюджетга муддатида ундирилмаган тўловларнинг суммасини 6,2 мартага ўсганлиги ва 2004 йилнинг 1 январига келиб, 553,6 млрд. сўмга етган.

Бюджетга ўз вақтида ундирилмаган солиқ тўловларининг маълум қисми «сумуман ундирилмайдиган тўловлар» тоифасига киради. Ушбу тўловлар миқдорининг даражаси солиқлар бўйича тўловсизликнинг даражасига бевосита таъсир қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

#### 6-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик амалиётида ундириш мумкин бўлмаган солиқ тўловлари миқдорининг ўзгариши<sup>18</sup>

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, %
Ундириб бўлмайдиган солиқ тўловларининг миқдори, млн.сўм	1173,7	259,5	618,6	1258,1	107,0

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2003 йилда ундириб бўлмайдиган тўловларнинг миқдори 2000 йилга нисбатан сезиларсиз даражада ўсган. Бунинг устига, 2001-2002 йилларда мазкур кўрсаткичнинг даражаси нисбатан жуда паст бўлган. Ушбу ҳолатлар ундириб бўлмайдиган тўловлар суммасининг солиқлар бўйича тўловсизлик муаммосини чуқурлаштиришдаги ролини паст эканлигидан далолат беради. Шунини таъкидлаш жоизки, республикада бюджетга тўловсизлик муаммосини кескинлашишига йўл қўймаслик мақсадида солиқ тўловчининг ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмаган шароитда, уларга тегишли мулкларни сотиш йўли билан солиқларни ундириш ҳуқуқи жорий этилган.

Тадқиқот жараёнида давлат бюджети даромадларини ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушмаслигининг сабаблари аниқланган ва уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат эканлиги кўрсатилган:

- 1) солиқ юкининг нисбатан юкори даражада эканлиги;
- 2) корхоналар ўртасидаги ўзаро дебиторлик – кредиторлик қарзларининг муттасил ўсиш тенденциясига эгалиги;
- 3) банк тизимининг кредитларидан корхоналар фаолиятида кенг қўламда фойдаланиш учун тегишли шарт-шароитларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги;
- 4) бюджетга тўловларни ўз вақтида ундириш тадбирлари самарадорлик даражасининг пастлиги;

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.



5) давлат томонидан молиявий ҳолати nobарқарор бўлган бир қатор корхоналарга нисбатан кагъий иктисодий жазо чораларининг ўз вақтида қўлланилмаслиги.

Бизнинг фикримизча, давлат бюджетига тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни таъминлаш учун қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

### **1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ички солиқ назоратини кучайтириш.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ички солиқ назорати (ИСН) деганда бу ўринда корхоналарнинг бирламчи ҳужжатларини, бухгалтерия ҳисоби ва солиқларни ҳисоблаш тартибини назорат қилиш жараёнлари ва усулларининг мажмуи тушунилади. Уни амалиётда қўллаш давлат томонидан солиқ қонунчилигини бузган субъектларга нисбатан жазо чораларини белгилашга асосланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ички солиқ назоратидан фойдаланиш орқали солиқ қонунчилигини бузмасликка ҳаракат қиладилар.

Ички солиқ назоратини қўллаш, бир томондан, корхоналарни, солиқ қонунчилигини бузишлари натижасида қўлланиладиган жарималар шаклидаги қўшимча молиявий харажатларга йўл қўймаслигини таъминласа, иккинчи томондан эса, давлатга солиқ тизимида тўловсизлик муаммосининг чуқурлашмаслигига имкон яратади.

Республикамиз солиқ амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, корхоналарда солиқларни ҳисоблаш тарғиби сезиларли камчиликлардан холи эмас. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маҳсулотларни реализация қилишдан олинган тушумлар суммасини камайтириб кўрсатиш (хусусан, товарларни сотиш вақтини нотўғри аниқлаш натижасида сотишдан олинган тушум кўрсаткичини хато белгилашга йўл қўйилмоқда);
- сотилган товарлар таннархига қонунда кўзда тутилмаган харажатларни киритиш (бунда қўпчилик ҳолларда тегишли захира фонди ҳисобидан амалга оширилган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари таннархга киритилади);
- корхоналарда реализациядан ташқари даромад суммасини камайтириб кўрсатиш ҳолларининг мавжудлиги;
- ҚҚС бўйича солиққа тортиладиган оборот суммасини олинган аванслар суммасига камайтириш;
- ҚҚС бўйича имтиёزلарни нотўғри қўллаш;
- бюджетдан акцизларни ноқонуний равишда қошлаш.

Бюджетга тўловларни ўз вақтида ундирмасликнинг асосий сабабларидан яна бири онгли равишда ёки тасодифан солиқ тўловларидан қочиш ҳисобланади. Солиқ тўловларидан тасодифан қочиш, фикримизча,

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилган қуйдаги хатоликларнинг натижаси бўлиши мумкин:

- бирламчи хужжатларни нотўғри расмийлаштириш;
- солиқ қонунчилигини нотўғри талқин қилиш натижасида юзага келган хатоликлар;
- солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқамаслик;
- арифметик хатолар;
- солиқ органларига ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаслик;
- солиқларни тўлаш муддатини кечиктириш.

Қайд этилган мазкур хатоликлар қорхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади ва бир вақтнинг ўзида тегишли солиқлар суммасини бюджетга келиб тушмаслиги учун шароит яратади.

Бизнинг фикримизча, республикаимиз қорхоналаридаги ички солиқ назоратининг асосий вазифалари бўлиб, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқаш ва зарур маслаҳатларни олиш ҳисобланади. Айни вақтда, хусусий консультантлар томонидан бериладиган маслаҳатлар ҳар доим ҳам қутиладиган натижани бермаслиги мумкин. Бу консультантлар берган маслаҳатлари учун бирон-бир жавобгарликка эга эмаслар. Шунинг учун, бизнинг назаримизда, фақат солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар берадиган илмий-маслаҳат марказларини ташкил этиш ва уларга берган маслаҳатларининг тўғрилиги ва ишончилиги юзасидан жавобгарлик чораларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

## **2. Давлат солиқ назоратини тақомиллаштириш.**

Давлат солиқ назорати солиқ механизмнинг элементларидан бири ҳисобланади. У яратилган миллий даромаднинг биринчи қисмини қайта тақсимлаш муносабатларини бошқариш жараёнини характерлайди.

Давлат солиқ назоратининг биринчи босқичи солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ҳисобланади. Мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳар бир хўжалик юритувчи субъект давлат кайдномасидан ўтганидан сўнг солиқ органларида ҳисобга олиниши лозим. Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони солиқ тўловчиларнинг умумий сони билан солиштирилиши керак. Бу солиштириш ҳисобга олинишдан қочиб юрган солиқ тўловчиларнинг сонини аниқлаш имконини беради.

Давлат солиқ назоратининг биринчи босқичида солиқ органлари фаолиятини қийинлаштираётган муаммолардан бири «бир кунлик фирмалар» фаолиятининг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу фирмалар йирик миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш мақсадида ташкил этилади ва катта айланма ҳажмига эга бўлади. Бунинг натижасида солиқ тўловлари бўйича йирик қарздорлик юзага келади. Ушбу қарздорлик суммасини ундиришнинг иложи йўқ, чунки «бир кунлик фирмалар» нинг кўпчилик қисмининг жойлашган жойи (манзили) амалда нотўғри кўрсатилган бўлади.

Давлат солиқ назоратининг иккинчи босқичи солиқ тўловчиларнинг мулкларини ҳисобга олиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ

кодексига мувофиқ солиққа тортиладиган кўчмас мулк объектлари солиқ тўловчилар томонидан солиқ органларига билдирилиши шарт. Республикамизда бозор муносабатлари шаклланган бўлишига қарамасдан, кўчмас мулкларни қайта баҳоланган қиймати билан бозор қиймати ўртасида фарқ мавжуд. Кўпчилик ҳолларда қайта баҳоланган қийматни мулкларнинг бозор қийматидан сезиларли даражада паст эканлиги кузатишмоқда. Бунинг натижасида қийматнинг маълум қисми солиққа тортилмай қолмоқда.

Давлат солиқ назоратини такомиллаштириш зарур бўлган учинчи босқич бевосита жойларда ўтказиладиган солиқ текширишларининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Фикримизча, жойлардаги солиқ текширувнинг самарадорлигини ошириш борасидаги асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

а) умумдавлат солиқларини асосий тўловчилар ҳисобланган корхоналар фаолиятини жойларда текширишнинг самарадорлигини ошириш;

б) солиқ қонунчилигини бузган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланиладиган жарималар миқдорини табақалаштириш;

в) солиқ тўловчининг фаолиятини текшириш муддатларини чўзиб юбориш ҳолларига чек қўйиш;

г) солиқ қонунчилигини қўпол равишда бузган тўловчиларни жиноий жавобгарликка тортиш тартибини кенг қўллаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат бюджетининг солиқсиз даромадларига юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга ва чет давлатларга берилган бюджет судаларини қайтариш ҳисобиغا тушадиган тўловлар ва давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар киритилган.<sup>19</sup>

Фикримизча, солиқсиз даромадларнинг зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Давлатга тегишли мулклардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши натижасида давлат секторига тегишли корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида уларни хусусийлаштиришнинг зарурлиги.

2. Давлат бюджети даромадларининг миқдорини ошириш заруриятининг юзага келиши.

Давлат бюджети харажатларини сезиларли даражада ўсиши, давлатнинг иқтисодий харажатларини ошириш заруриятини пайдо бўлиши ҳукуматга солиқсиз даромадларни ошириш тадбирларини ишлаб чиқариш заруриятини юзага келтиради. Ана шу мақсадда давлатга тегишли мулкларни сотиш, хорижий валюталар ва нодир металлларни хорижий молия бозорларида жойлаштириш йўли билан даромадлар олиш ва хорижий

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунари Т.: Адолат, 2001. -8 б.

ташкilotларнинг молиявий ёрдамларини жалб қилиш заруриятини юзага келтиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасида ҳукуматга тегишли олтин-валюта захираларининг маълум қисми халқаро молия бозорларида муддатли депозит шаклида жойлаштирилади ва ундан фойз кўринишда даромад олинади. Бундан ташқари, солиқсиз даромадлардан давлат бюджети дефицитини камайтириш мақсадида ҳам фаол тарзда фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабридаги 567-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2004 йилда давлат бюджети дефицитини фақат қадрсизланмайдиган (ноинфляцион) манбалар, шу жумладан давлат мулкни хусусийлаштиришдан олиннадиган тушумлар ҳисобидан молиялаштиришни таъминлаш кўзда тутилган.<sup>20</sup>

Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари даромад манбалари сифатида нобарқарор ва доимий хусусиятга эга бўлган даромадлар ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни моҳиятига кўра нобарқарор жараён бўлиб, хусусийлаштиришдан олиннадиган даромадларни нобарқарор бўлишига олиб келади; иккинчидан, давлатга тегишли олтин-валюта захираларини бозор ставкаларида жойлаштириш натижасида олиннадиган даромадлар жойлаштириладиган молиявий активларнинг миқдорига ва бозор ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ бўлганлиги сабабли улардан олиннадиган даромадларнинг суммаси доимий равишда тебраниб туради; учинчидан, хорижий ташкilotлардан ва давлатлардан олиннадиган молиявий ёрдамларнинг миқдори уларни берувчилар томонидан мустақил равишда белгиланади. Бу эса уларнинг миқдорини олдиндан белгилаш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таркибида солиқсиз даромадлар таҳлил қилинганда 1999-2003 йиллар мобайнида уларнинг нобарқарорлиги қузатилган ҳолда унинг 1999 йилга нисбатан 8,0 пунктга пасайиши юз берган. Бу эса, солиқсиз даромадларнинг солиқли даромадларга нисбатан давлат бюджети даромадларининг таркибидаги ўрни ва аҳамиятининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида ҳар бир фуқаронинг қонун томондан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти кўрсатилган.<sup>21</sup>

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқларни ўз вақтида тўламаслик, солиқ базасини яшириш, ҳисобга олинмаган операцияларни амалга ошириш ва сохта битимлар тузиш йўли билан солиқ тўлашдан бўйин товлаш солиққа оид жиноятларнинг асосий шакллари ҳисобланади.

<sup>20</sup> Солиқлар ва божхона хабарлари. №4 (496), 2004 й. 23 январ.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: -Т. Ўзбекистон, 2001. -18 б.

Солиққа оид жиноятлар давлат бюджетининг даромадлари ҳажмига бевосита таъсир қилади, чунки давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ тушумларидан иборатдир. Бундан ташқари, солиққа оид жиноятлар иқтисодий тараққиётга ҳам кучли тарзда салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш усулларини қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда туркумлаш мақсадга мувофиқдир:

1) Солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига бухгалтерия ҳисоботларини топширмасликлари.

2) Солиққа тортиш субъектининг солиқ назоратидан четда қолиши.

3) Солиқ тўловчининг молиявий-ҳўжалик фаолиятлари натижаларини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаслиги.

4) Солиққа тортиладиган базани камайтириш имконини берувчи иқтисодий кўрсаткичларни ноқонуний ўзгартириш йўли билан солиққа тортиш объекти хусусидаги маълумотларни сохталаштириш.

5) «Сохта экспорт» операцияларини амалга ошириш йўли билан қўшилган қиймат солиғини ноқонуний қоплаш.

Маълумки, экспорт қилинаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинган. Солиқ тўлашдан бўйин товланинги мазкур усулидан фойдаланиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

а) экспорт қилинаётган товар ҳақиқатда мамлакат чегарасидан чиқмайди, экспортёр бюджетдан қўшилган қиймат солиғини ундириш учун божхона органларининг сохта муҳридан фойдаланиш;

б) олиб чиқиб кетилаётган товарлар атайин юқори баҳоларда акс эттириш;

в) қўшилган қиймат солиғи бўйича қоплаш суммасини ундириш учун битта экспорт битими бўйича бир неча солиқ тўловчилар мурожаат қилиш.

6) Нотижорат ташкилотлари томонидан фойда солиғига тортилмайдиган асосий фаолият тури бахонасида тижорат фаолиятини юритиш.

7) Акциз солиғига тортиладиган товарларни акциз солиғига тортилмайдиган товарлар сифатида ишлаб чиқариш ва сотиш.

Умуман, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш орқали давлатга сезиларли даражада зарар етказилмоқда (2-диаграмма).

Келтирилган диаграмма маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизнинг солиқ амалиётида тушумни камайтириб кўрсатиш, маҳсулот таннархини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш ва нақд пуллардаги тушумни кассага қирим қилмаслик усуллари солиқ тўлашдан бўйин товланинги асосий усуллари ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки,

биринчидан, маҳсулотларнинг сезиларли қисми нақд пулларга сотилади, нақд пуллар солиқдан қочишнинг қулай воситаси ҳисобланади;

2-диаграмма

Солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг турли усуллари орқали давлатга етказилган зарарлар суммасининг салмоғи<sup>22</sup>, фоизда



иккинчидан, маҳсулотларнинг таннархини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи базасини қисқаришига олиб келади; учинчидан, тушумни камайтириш эгри ва тўғри солиқлар суммасининг камайишига сабаб бўлади.

7-жадвалда нақд пул тушумларини кассага кирим қилмаслик ҳолатларининг қўламини характерловчи маълумотлар келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2001-2003 йиллар мобайнида амалга оширилган текширувларнинг ҳажмида аниқланган қонунбузарлик ҳолатларининг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, биринчидан, текширишларнинг сифат даражасини ошиб бораётганлигидан далолат беради; иккинчидан, қонунбузарликлар сонининг кўпаяётганлигини билдиради.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, кассага кирим қилинмаган нақд пулларнинг миқдори, таҳлил қилинган давр мобайнида, ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг мазкур усулини тобора кенг қўлланилаётганлигидан далолат беради.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган

**Ҳўжалик субъектларининг аҳолига нақд пулда товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш натижасида олинган тушумларини кассага кирим қилмаслик ҳолатларининг кўлами<sup>23</sup>**

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003
1. Амалга оширилган текширишларда аниқланган қонунбузарликларнинг салмоғи, %	14,1	21,2	45,9
2. Кассага кирим қилинмаган нақд пулдаги тушумларнинг миқдори (млн.сўм)	6855,2	4846,9	24605,5

Бунда назорат касса машинаси (НКМ)дан фойдаланмаслик, харидорга чек бермаслик асосий қонунбузарликлар ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларини иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, савдо соҳасида, кишлоқ ҳўжалиги ва саноат тармоғида қонунбузарликларнинг сони юқори салмоқни эгаллайди. Айниқса, савдода бу кўрсаткич жуда юқоридир. Бу ҳолат, аввало, савдо операциялари кўламининг кенглиги ва хилма-хиллиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, солиқ тўловларидан қочиш мақсадида ташкил этиладиган «бир кунлик фирма» лар айнан савдо соҳасида кўплаб учрайди.

Бюджет даромадларини оқилона шакллантириш нуқтаи-назаридан мамлакатимиздаги ҳўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишда солиқлар таъсирини кучайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажат турларининг даражасини мўтадиллаштириш мақсадида банк кредитлари бўйича фоиз тўловларини Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига киритишни жорий қилиш.

2. Ҳўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг солиқ тўловлари ҳажмида асосий ўринни эгаллайдиган солиқларнинг ставкаларини оқилона даражага келтириш.

3. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ставкаларининг табақалаштириш даражасини ошириш.

4. Ҳўжалик субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган амортизация ажратмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

Давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бюджет мажбуриятларининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган ҳозирги шароитда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашнинг диссертант томонидан тавсия этилган Концепцияси моделида асосий эътибор даромад базаси шаклланишининг манбалари бўйича давлат бюджети самарали ижросини таъминлашга ҳамда бюджет истикболини белгилашда уларни кўпайтириш имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тақлиф этилаётган давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш концепцияси модели асосига, аввало, давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бюджет мажбуриятларининг ўсиб бориши шароитида унинг молиявий асосларини тўғри тахминлаштириш ва шакллантириш масаласи ҳамда унинг истикболларида инвестицион фаолликни рағбатлантириш омили қўйилган (8-жадвал).

Ишлаб чиқилган Концепциямиз моделининг ташкилий тузилиши 4 бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси бюджет конунчилиги асосида давлат бюджети даромадлари шаклланиш манбаларининг умумий тавсифи ёритилган. Иккинчи бўлимда эса Давлат бюджети даромадлари ижросининг амалдаги ҳолати тавсиф этилган.

Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш Концепциясининг моделини ишлаб чиқиш асосига қуйидаги кетма-кетликка риоя қилиш шarti қўйилган. Дастлаб, мамлакатимиз бюджет амалиётида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати, унинг хусусиятлари ва муаммолари таҳлил этилади. Кейинги босқичда (учинчи бўлим) давлат бюджети даромадлари барқарорлиги таъминлашнинг бош мақсади аниқланади. Бош мақсадни аниқлаш концепция моделини ишлаб чиқишдаги ўта мураккаб масалалардан бўлиб, бу нарса стратегик вазифалар кўлами ва уларни амалга ошириш йўллари белгилайди.

Бош мақсад давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бюджет мажбуриятларининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган шароитда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминламоғи зарур. Шу билан бир вақтда у мамлакатда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини хусусиятловчи ички ва ташқи омиллар мажмуини ҳамда бюджет-солиқ амалиётидаги объектив ҳолатни ҳисобга олмоғи лозим (биринчи ва иккинчи бўлимлар).

Белгиланган бош мақсадга мувофиқ қуйидаги асосий стратегик вазифаларни ҳал этиш лозим (тўртинчи бўлим):

1. Давлат бюджети даромадлари самарали ижросини унинг барча манбалари бўйича таъминлашга эришиш.

2. Давлат бюджети даромадлари ўсиш суръатларини бюджет мажбуриятлари ўсишига мос тарзда бўлишини таъминлаш.



## Давлат бюджети даромадлари баркарорлигини таъминлаш Концепциясининг модели

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш манбалари	Давлат бюджети даромадлари ижросининг амалдаги ҳолати таъсифи	Давлат бюджети даромадлари баркарорлигини таъминлашнинг бош мақсади	Давлат бюджети даромадлари баркарорлигини таъминлашнинг стратегик вазифалари ва йўллари
<p><b>1. Билвосита солиқлар</b></p> <p>1.1. Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи</p> <p>1.2. Савдо ва умумий оқатланиш корхоналаридан олинadиган ялпи даромад солиғи</p> <p>1.3. Кичик корхоналардан уқдирилadиган ягона солиқ</p> <p>1.4. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи</p> <p>1.5. Таъбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадидан олинadиган катъий белгиланган солиқ</p> <p><b>2. Билвосита солиқлар</b></p> <p>2.1. Қўшилган қиймат солиғи</p> <p>2.2. Акция солиғи</p> <p>2.3. Божхона божлари</p> <p>2.4. Ягона божхона Тўлови</p> <p>2.5. Жисмоний шахслар томонидан истеъмол қилнган беэмин, дилель ёқалғиси ва газ учун солиқ</p> <p><b>3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи</b></p> <p>3.1. Мулк солиғи</p> <p>3.2. Ер солиғи</p> <p>3.3. Ер ости бойликлардан фойдаланилганлик учун солиқ</p> <p>3.4. Сув ресурслардан фойдаланилганлик учун солиқ</p> <p>3.5. Экология солиғи</p> <p>4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи</p> <p>5. Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадлари шаклланиши амалиёти муаммоларининг мажмуулиги.</p> <p>2. Давлат бюджети даромадлари манбалари бўйича ижронинг бйр текис эмаслиги тенденциясининг характерли эканлиги.</p> <p>3. Давлат солиқ-бюджет сёбатидagi таърифот ва эъдиётларнинг мавжудлиги.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими янги модели шaroитида бюджет амалиёти ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги.</p> <p>5. Давлат бюджети даромадлари тўлиқ ижроси учун бюджетта боқиманда микроиннинг (бюджетта тўловсизликнинг) сакланиб қоллиши.</p> <p>6. Давлат бюджети солиқли ва солиқсиз даромадлари самарали ижросини таъминлаш аҳамиятининг ўсиши.</p>	<p>Бош мақсад: давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бошқа мажбуриятларининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган шaroитида давлат бюджети даромадлари баркарорлигини таъминлаш.</p>	<p>1. Давлат бюджети даромадлари самарали ижросини унинг барча манбалари бўйича таъминлашга эришиш.</p> <p>2. Давлат бюджети даромадлари ўсиш суръатларини бюджет мажбуриятлари ўсишига мос тарзда бўлишини таъминлаш.</p> <p>3. Давлат бюджети даромадларининг бюджет тизими барча бўғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга мос тарзда сифат ва миқдор жиҳатидан таъминланиши.</p> <p>4. Маҳаллий бюджетларни "молиявий тенглаштириш" сёбати орқали бошқариш ва бюджетлар-аро муносабатларни тақомиллаштириш орқали улар даромадлари баркарорлигига эришиш.</p> <p>5. Солиқ назоратининг кучайтирилиши ва унинг узуқ-муқимлигини таъминлаш орқали давлат бюджетта даромадлари ижроси тўлиқлигига эришиш.</p> <p>6. Давлат бюджети даромадларининг инвестицион, икτισосий потенциални ўсиши ва ундан фойдаланиш даражасига мос тарзда бўлишига эришиш.</p> <p>7. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини тақомиллаштириш.</p> <p>8. Ҳўжадик субъектлари инвестицион фаолиятини оширишда солиқлар таъсирини ошириш.</p> <p>9. Давлат бюджети ижросининг таъминлиги усулига ўтиш.</p>

3. Давлат бюджети даромадларининг бюджет тизими барча бўғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга мос тарзда сифат ва миқдор жиҳатидан таъминланиши.

4. Маҳаллий бюджетларни “молиявий тенглаштириш” сиёсати орқали бошқариш ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш орқали улар даромадлари барқарорлигига эришиш.

5. Солиқ назоратининг кучайтирилиши ва унинг узлуксизлигини таъминлаш орқали давлат бюджети даромадлари ижроси тўлиқлигини таъминлаш.

6. Давлат бюджети даромадларининг инвестицион, иқтисодий потенциал ўсиши ва ундан фойдаланиш даражасига мос тарзда бўлишига эришиш.

7. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини такомиллаштириш.

8. Хўжалик субъектлари инвестицион фаоллигини оширишда солиқлар таъсирини ошириш.

9. Давлат бюджети ижросининг газначилик усулига ўтиш.

Концепция тўртинчи бўлимининг дастлабки бандлари барча мамлакатлар учун мажбурийдир, бироқ айрим бандлар Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва давлат бюджети даромадларини шакллантириш хусусиятларидан келиб чиқади.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш Концепциясининг мазкур ишимизда ишлаб чиқилган модели ҳозирги шароитда муваффақиятли фойдаланилиши мумкин.

Мазкур моделда белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишининг таъминланишида давлат томонидан мукамал, барқарор солиқ, бюджет, фозиз сиёсатининг юритилиши, инвестицион фаолликни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва мулкый кафолатларининг яратилиши ва ҳимоя этилиши каби заминлар муҳим аҳамият касб этади.

### 3. ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқотда амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Давлат бюджети давлатнинг йирик марказлашган пул фонди бўлиб, унинг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги ролининг ошиши давлатнинг умумижтимоий ва умумиқтисодий харажатлари ҳажмининг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2. Давлат бюджети даромадларининг қай тарзда ва қай даражада шаклланганлиги унинг жамият ҳаётидаги ролини белгилловчи асосий омил ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат бюджетининг даромад базасини мустаҳкамлаш масаласи ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

3. Солиқ-бюджет сиёсати мамлакат молия тизими самарали фаолиятининг гарови ҳисобланади. Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ-бюджет муносабатларининг қандай асосга таянаётганлиги жуда муҳимдир. Солиқ-бюджет сиёсатининг яхлитлигига эришиш мамлакатда макрониктисодий барқарорликни таъминлашга, самарали бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда солиқ-бюджет сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг омиллари ва мезонларини баҳолашнинг ягона тизимлаштирилган методологияси ва асослари бўйича назарий қарашларнинг мукамал тизими мавжуд эмас. Мавжуд назарий изланишлар солиқ-бюджет сиёсати яхлитлигини таъминлаш ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда мезонларни тўлиқ ёритиб бера олмайди. Бизнинг фикримизча, бундай мезонларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркиби ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари;
- ялпи ички маҳсулот таркибидаги солиқлар ва бошқа тўловларнинг улуши;
- аҳолининг турмуш даражаси (даромадлиги);
- солиқларнинг аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида тақсимланиш хусусиятлари;
- давлат молия сиёсатининг асосий йўналишлари;
- мавжуд иқтисодий вазиятларни инobatта олган ҳолда белгиланган вазифалар кўлами;
- бюджет дефицити даражаси.

4. Солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришга бағишланган илмий қарашларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида қуйидаги назарий хулосаларни чиқариш мумкин:

- солиқлар давлатнинг функцияларини бажаришнинг бирламчи ва асосий молиявий манбаи ҳисобланади;
- солиқларнинг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги роли бевосита давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси билан белгиланади;
- солиқлардан бюджетнинг иқтисодий харажатларини молиялаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш муҳим амалий аҳамият касб этади, чунки ривожланаётган давлатларда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш давлатнинг иқтисодиётга фаол молиявий аралашувини зарур қилиб қўяди;
- солиққа тортиш тамойилларини бузилишига йўл қўймаслик солиқ тушумларининг барқарорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади;

- республикамиз иктисодиётининг инвестицион ресурсларга бўлган юқори даражадаги талабини қондириш мақсадида солиқларнинг жамғармаларга таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

5. Ривожланган хорижий давлатларнинг бюджет амалиётида ҳукуматнинг кафолатлари асосида юзага келган давлат кредитлари суммасининг бюджет даромадларининг ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Бу эса, хусусий секторнинг иктисодиётдаги молиявий ва мулкый имкониятларининг юқори эканлигидан далолат беради. Республикамизда эса жами кредит қўйилмаларининг 40 фоизга яқин қисми ҳукуматнинг кафолати асосида хорижий давлатлардан жалб қилинган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳолат, аввало, хусусий секторнинг молиявий ва мулкый имкониятларини паст эканлигини кўрсатади.

6. Ривожланган индустриал мамлакатларда давлат бюджети даромадларини шакллантиришга хос бўлган муҳим жиҳатлардан бири шундаки, ушбу мамлакатларнинг деярли барчасида аҳолидан олинadиган даромад солиғи солиқ тушумларининг 15 фоиздан 64 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади. Ушбу ҳолат, фикримизча, мазкур мамлакатлар аҳолисининг номинал даромадлари ҳажмининг узлуксиз ўсиб бораётганлиги ва солиқ ставкаларининг прогрессив эканлиги билан изоҳланади.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқли даромадларини таҳлил қилиш натижалари ҳозирги даврда эгри солиқлар бўйича тушум суммаси бюджет даромадларининг таркибида нисбатан юқори салмокни эгаллашини кўрсатиши. Бунинг асосий сабаби шундаки, эгри солиқлар соф фискаллик характериға эға бўлиб, маҳсулотларнинг баҳосида ҳисобға олинганлиги сабабли тўғри солиқларға нисбатан барқарор тушумға эгадир.

8. 1999-2003 йиллар мобайнида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушум суммаси сезиларли даражада юқори, яъни 2003 йилда 1999 йилға нисбатан мутлақ суммада ўсиши 342,4 фоизни ташкил қилди. Бу ҳолат жисмоний шахсларнинг номинал даромад даражасини юқори суръатлар билан ўсаётганлигидан далолат беради.

9. 1999-2003 йилларда республикамизда солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилди. Солиқларнинг фискал функцияси нуктаи-назаридан бу салбий ҳолат ҳисобланади. Ваҳоланки, ушбу ҳолат давлатнинг умумижтимоий ва умумиктисодий харажатларни молиялаштириш имкониятини пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Солиқларнинг иктисодий функцияси нуктаи-назаридан эса бу ижобий ҳисобланади, чунки мазкур ҳолат давлатнинг иктисодиётға аралашуви қисқараётганлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг зиммасидаги солиқ юки енгиллашаётганлигини аңглатади.

10. Кейинги йилларда тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эға бўлган. Бу эса, бюджет даромадларининг барқарорлиги нуктаи-назаридан

салбий ҳолат ҳисобланади. Ушбу пасайиш корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ суммасининг тўғри солиқлар ҳажмидаги салмоғининг пасайиши ҳисобига юз берган, яъни 2002 йилда ушбу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 9,4 пунктга пасайган. Бу ҳолат корхоналарнинг солиққа тортиш базасининг ҳолатини ёмонлашайтганлигидан далолат беради. Шуниси характерлики, 2002 йилда кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ бўйича тушум суммасининг тўғри солиқлар бўйича тушум суммаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 1999 йилга нисбатан 10,3 пунктга ошган. Ушбу ҳолат кичик корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини тобора ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Агар кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ЯИМ даги улуши 2000 йилнинг 1 январ ҳолатига 29,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб бу кўрсаткич 33,8 фоизни ташкил қилган.

11. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибига давлатга тегишли мулкларни сотиш ва хусусийлаштириш натижасида олинган даромадларни, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни ва хорижий давлатлардан қайтариб бермаслик шarti билан олинган пул маблағларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, мақсадли фондларнинг пул маблағларини солиқсиз даромадларнинг таркибига киритиш, бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, мазкур фондларга қилинган ажратмалар солиқ характерига эга бўлиб, бунда солиқ тўловчилар ўртасида товар-пул муносабатлари мавжуд эмас; иккинчидан, мақсадли фондларга қилинган ажратмалар солиқларга хос бўлган муҳим хусусиятга, яъни тўловни амалга оширишда субъектларнинг мулк шаклини ўзгариши хусусиятига эгадир.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини шакллантириш амалиётини таҳлил қилиш натижалари 1999-2003 йиллар мобайнида солиқсиз даромадларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатади. 2003 йилда ушбу кўрсаткичнинг 1999 йилга нисбатан пасайиш даражаси 8,0 пунктни ташкил қилди. Бунинг устига солиқсиз даромадларнинг давлат бюджетининг жами даромадларидаги салмоғи жуда кичик бўлиб, 2003 йилда атиги 4,6 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат солиқсиз даромадларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ролининг паст эканлигидан далолат беради.

13. Нақд пулларни солиқ тўловларига боғлиқлигига асосланган ёндошувлар илмий асосга эга бўлмаган усуллардир. Бунинг сабаби шундаки, МДХ давлатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларининг сезиларли қисми нақд пулларда шакллантирилади, аҳоли харажатларининг асосий қисми ҳам нақд пулларда амалга оширилади. Бу эса, нақд пуллар таклифининг ошини нақд пуллар воситасидаги ноқонуний ҳисоб-китоб операцияларнинг ҳажмини ошишига олиб келади, деган хулосани инкор қилади.

14. Солиқ юкининг оғирлашиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тоифалари томонидан янада юкори фойда олиш истаги солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини юзага келишига туртки берувчи асосий омиллар ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур омиллар юзага келишининг олдини олиш солиққа оид жиноятларнинг кескин камайишига олиб келади.

15. Хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган барча солиқлар уларнинг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг инвестицион харажатларнинг молиялаштириш имконини пасайтиради. Корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш базаси нафақат ишлаб чиқариш хўжалик харажатлари суммасига, балки олдиндан тўланган солиқлар суммасига ҳам камаяди. Солиққа тортишнинг бундай тартиби олдиндан тўланган солиқлардан бири бўйича солиқ ставкасининг оширилиши фойда солиғи базасининг камайишига ва бунинг оқибатида корхонанинг соф фойдаси миқдорининг пасайишига сабаб бўлади.

Юкорида зикр этилган хулосаларга таянган ҳолда давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган амалий **таклиф ва тавсияларнинг** асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Давлат бюджети дефицитининг юзага келишини мамлакатда ўтиш даври билан боғлиқ иктисодий муаммоларнинг кескинлашуви билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг боиси шундаки, ўтиш даврида солиқ тушумлари кескин камаяди, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш даражаси пасаяди. Бу ҳолатлар, пировард натижада, давлат бюджети даромадларининг режалаштирилган миқдорда тушмаслигига сабаб бўлади.

2. Маҳаллий бюджет тартибга солувчи даромадларининг миқдори камида уч молия йили мобайнида ўзгармайдиган катъий норматив кўрсаткичлар шаклида белгилаб қўйилиши лозим. Мазкур нормативларни ишлаб чиқиш учун асос қилиб илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий нормативлар олиниши мақсадга мувофиқдир.

3. Дотациялар ва субвенциялар маҳаллий молия органларини зарур пул маблағлари билан таъминлаб туриш воситаси сифатида сақлаб қолиниши керак. Улардан маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар ва уни тартибга солувчи даромадлари бўйича белгиланган режанинг бажарилмай қолиши натижасида юзага келадиган пул етишмовчиликларини коплаш мақсадида фойдаланишга рухсат этилмаслиги лозим.

4. Тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига барҳам бериш учун амалдаги солиқ имтиёзларини ва тўловсизлик, яъни бюджетдан қарздорлик муаммосини қайта қўриб чиқиш;

▪ ер солиғининг ставкаларини белгилашда кишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун фойдаланиладиган ердан олинадиган даромаднинг миқдорини ҳисобга олиш;

▪ юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг рағбатлантирувчилик ролини ошириш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимум миқдорини жорий қилиш;

▪ экология солиғи ставкаларини хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг атроф-муҳитга зарарлигига боғлиқ равишда табақалаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижтимоий харажатларининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги ва ҳукумат йирик инвестицион харажатларининг мавжудлигини ҳисобга олиб давлат бюджети даромадларининг таркибида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи бўйича тушумлар суммасининг барқарор салмоғини таъминлаш зарур.

6. Қўшилган қиймат солиғини ундириш юзасидан Европа Иттифоқи давлатларининг илғор тажрибаларидан республикамиз шароитида фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Хусусан, солиқ ставкаларини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарларнинг турлари бўйича табақалаштириш ва солиққа тортилмайдиган оборотни белгилаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

7. Давлат бюджетига тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

▪ хўжалик юритувчи субъектларнинг ички солиқ назоратини кучайтириш;

▪ давлат солиқ назоратини такомиллаштириш;

▪ умумдавлат солиқларини асосий тўловчилар ҳисобланган корхоналар фаолиятини жойларда текширишнинг самарадорлигини ошириш.

8. Мамлакатимизда хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишда солиқларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида маҳсулот таннархига киритиладиган харажат турларининг даражасини муътадиллаштириш мақсадида банк кредитлари бўйича фоиз тўловларини Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархига киритиш керак.

9. Хўжалик субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган амортизация ажратмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим.

10. Юридик шахсларнинг депозит сертификатлари бўйича оладиган даромадлари даромад солиғидан озод қилинмаслиги керак. Чунки, юридик шахсларнинг тижорат банкларининг депозит сертификатларини сотиб олиш учун сарфлаган маблағлари солиққа тортилмайдиган маблағлардир ва улар молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналарда зарурий харажатлардан ортиқ бўлган маблағлар сифатида мавжуд бўлади.

11. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинадиган тушумлар суммасини кўпайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг таркибида тўғри солиқлардан олинган тушумларнинг салмоғини эгри солиқлардан олинган тушумларнинг салмоғига нисбатан юқорилигини таъминлаш;

- эгри солиқларнинг иқтисодий функциясидан тўлақонли тарзда фойдаланишни таъминлаш орқали тўғри солиқлардан олинадиган бюджет даромадлари суммасини кўпайтиришга эришиш;

- республикамикли солиқ амалиётида қўлланилаётган солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва асоссиз белгиланган ҳамда кам самарали имтиёзларни бекор қилиш.

Кўрсатиб ўтилган тақлифлар ва тадқиқот натижалари мамлакатимизда бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар самарадорлигини оширишга, давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўналишларини такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаш мумкин.

#### **4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

##### **1. Монография ва илмий журналларда чоп этилган мақолалар.**

1. Абдуғаффор Жўраев. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Монография. – Тошкент: Фан, 2004. – 243 б.

2. Жўраев А. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида инвестиция жараёни. //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№6. –Б. 49–50.

3. Жўраев А., Маматов Б. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси. //Бозор, пул ва кредит. –2003. –№2. –Б. 43–47.

4. Жўраев А., Маматов Б. Иқтисодий самарадорлик омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2003. –№7. –Б. 6.

5. Жураев А.С. Актуальные вопросы налогообложения валютных операций коммерческих банков. //Актуальные проблемы современной науки. –Москва. –2003. –№4 (13). –С. 67–68.

6. Жураев А.С. Роль правительственных ценных бумаг в финансирование расходов государственного бюджета Узбекистана. //Актуальные проблемы современной науки. –Москва. –2003. –№4 (13). –С. 69–70.

7. Жураев А.С., Бобокулов Т.И. Проблемы повышения эффективности мониторинговой политики Центрального банка Узбекистана. //Современные аспекты экономики. –Санкт–Петербург. –2003. –№8(36). –С. 70–73.

8. Жураев А.С., Перспективы совершенствования методологических основ налоговой политики в Республики Узбекистан. //Вопросы экономических наук. –Москва. –2004. –№1(5). –С. 180–181.



9. Жураев А.С. Налоговый контроль: вопросы теории. //Вопросы гуманитарных наук. –Москва. –2004. –№1(10). –С. 120–121.

10. Жураев А. Актуальные вопросы налогообложения доходов физических лиц. //Актуальные проблемы современной науки. –Москва. –2004. –№2(17). –С. 109–111.

11. Вахабов А., Жураев А. Актуальные проблемы повышения эффективности взаимоотношений Республики Узбекистан с международными финансовыми институтами. //Актуальные проблемы современной науки. –Москва. –2004. –№2(17). –С. 106–108.

12. Жураев А.С. Воздействие налоговой системы на развитие теневой экономики. //Современные аспекты экономики. –Санкт–Петербург. –2004. –№1(52). –С. 186–189.

13. Жураев А. Даромад, бюджет ва солиқлар. //Солиқ тўловчининг журнали. –2004. –№4 –Б. 21–23.

14. Жураев А. Давлат бюджети такчиллигини қоплаш ва унинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№4(83). –Б. 28–29.

15. Жураев А. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2004. –№5–6. –Б. 61.

16. Жураев А. Солиққа оид жиноятларга солиқ тизими орқали таъсир этиш. //Жамият ва бошқарув. –2004. –№3. –Б. 28–29.

17. Жураев А. Корхоналар инвестицион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш. //Жамият ва бошқарув. –2004. –№4. –Б. 31–33.

18. Жураев А. Солиққа оид қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш. //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№9(88). –Б. 45–48.

19. Жураев А. Умумийлик ва ўзига хослик. //Солиқ тўловчининг журнали. –2004. –№9. –Б. 26–28.

20. Жураев А. Тўғри (бевосита) солиқлар: уларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2004. –№9–10. –Б. 58–59.

21. Жураев А. Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлариаро тақсимлаши. //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№11. –Б. 18–21.

22. Жураев А. Солиқ–бюджет сиёсати яхлитлиги ва унинг давлат бюджети даромадлари ижросидаги аҳамияти. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2005. –№1–2. –Б. 34–35.

## **II. Илмий анжуман тўғрисида чоп этилган тезислар**

23. Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю. Иностранные инвестиции и развитие экономики Республики Узбекистан. //Шестнадцатые Международные Плехановские чтения: Тез. докл. – М., 2003. 107 б.

24. Жураев А.С. Внутренний налоговый контроль хозяйствующих субъектов. //Семнадцатые международные Плехановские чтения: Тез. докл. – М., 2004. 315 –316 б.

25. Жўраев А.С. Солиқлар бўйича тўловсизлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўлари. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 11-12 февраль 2004. –Тошкент, 2004. 33–34 б.

26. Жўраев А., Кузиева Н. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришда имтиёзларнинг туган ўрни. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 11-12 февраль 2004. –Тошкент, 2004. 39–41 б.

27. Жўраев А., Амонов А. Қишлоқ хўжалигини солиққа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 11-12 февраль 2004. –Тошкент, 2004. 44–46 б.

28. Juraev Abdugaffor S., Jumaev Nodir H. The basic aspects of development of currency operations of commercial banks of the republic of Uzbekistan. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 11-12 февраль 2004. –Тошкент, 2004. 386–389 б.

29. Жўраев А.С. Банк кредитлари: Давлат бюджети даромадлари манбаи сифатида. //Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. 30 апрель 2004. – Тошкент, 2004. 73 б.

30. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини таснифлаш мезонлари. //Халқаро илмий-амалий конференция: 25май 2004. –Тошкент, 2004. 246 – 247 б.

### III. Ўқув ва услубий қўлланмалар.

31. Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Шарқ, 2003. –256 б.

32. Жўраев А., Артиков Н. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2004. –172 б.

33. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2004. –212 б.

34. Жўраев А., Кузиева Н. Марказий Осиё давлатлари солиқ тизими. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2004. –120 б.



Гадкикотчи

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Жўраев Абдугаффор Сафаровичнинг 08.00.07.- “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари” мавзuidaги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕ СИ**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** давлат бюджети, бюджет даромадлари, солиқли даромадлар, солиқсиз даромадлар, солиққа оид қонунбузарликлар.

**Тадқиқот объекти:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг давлат бюджети даромадларини шакллантириш борасидаги фаолияти.

**Ишнинг мақсади:** Давлат бюджети даромадларини шакллантириш борасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий асосланган тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усули:** Иқтисодий, маънавий, илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, қиёслаш, гуруҳлаштириш, индекс ва норматив усуллар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Бюджет даромадларининг солиқли манбалари комплекс таҳлил қилинди, уларни кўпайтириш имкониятлари ва бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлашни мукамаллаштириш йўналишлари илмий асослаб берилди; юридик шахслар мол-мулк солиғининг рағбатлантирувчилик хусусиятини ошириш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш тақлиф қилинди; солиққа оид қонунбузилишларни аниқлаш, оғохлантириш ва уларга барҳам бериш мақсадида солиқ назоратининг узлуксизлик тамойилини қўллашни кучайтириш тақлиф қилинди; давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини таъминлаш Концепцияси ишлаб чиқилди ва илмий асослаб берилди.

**Амалий аҳамияти:** Диссертацияда баён этилган асосий ишланмалардан: давлат бюджети даромадлари самарали ижросини таъминлаш мақсадида давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари шаклланиши оптимал нисбатларига риоя этилиши ва ушбу даромадлар шаклланиш механизмини қайта кўриб чиқиш ва янада такомиллаштиришда; олий ўқув юртларида «Молия», «Давлат бюджети», «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқотчининг илмий изланиш жараёнида ишлаб чиққан амалий тақлиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг “Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари” қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Тошкент молия институти маълумотномаларида эътироф этилган ва амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Молия, солиқлар ва солиққа тортиш.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Жураева Абдугаффара Сафаровича, выполненной по теме «Актуальные проблемы формирования доходов государственного бюджета» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.07.- «Финансы, денежное обращение и кредит»

**Ключевые слова:** государственный бюджет, доходы бюджета, налоговые доходы, неналоговые доходы, налоговые правонарушения.

**Объект исследования:** Деятельность Министерства финансов и Государственного налогового комитета Республики Узбекистан в области формирования доходов государственного бюджета.

**Цель работы:** Выявление имеющихся актуальных проблем в области формирования доходов Государственного бюджета и разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по поводу их решения.

**Метод исследования:** Методы познания, как логический, экономический, научной абстракция, статистический анализ, метод сравнения, группировки, индексный и нормативный.

**Полученные результаты и их новизна:** Комплексно анализированы налоговые источники доходов государственного бюджета, научно обоснованы возможности их увеличения и пути оптимизации их распределения между звеньями бюджетной системы; в целях повышения стимулирующей роли налога на имущества юридических лиц была предложена введение необлагаемого налогом минимального их размере; была предложена ужесточение принципа непрерывности налогового контроля в целях определения предупреждения и предотвращения налоговых правонарушений; разработана Концепция, позволяющая обеспечивать стабильность доходов государственного бюджета.

**Практическая значимость:** диссертационного исследования заключается в определении направлений совершенствования системы формирования доходов государственного бюджета на постоянной основе с целью обеспечения их устойчивости. Основные идеи и выводы, предложенные в работе, могут быть использованы в целях оптимизации государственных мер в налогово-бюджетной практике, а также в подготовке учебного материала для обучения в ВУЗах по таким предметам как «Финансы», «Налоги и налогообложение», «Государственный бюджет» и т.д.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Ряд предложений и рекомендаций диссертанта, которые были разработаны в процессе подготовки данного исследования внесены в Комитет «Вопросы бюджетно-экономических реформ» Олий Мажлиса Сената Республики Узбекистан, в Министерство Финансов, в Государственный налоговый комитет и в Ташкентский Финансовый институт и были одобрены.

**Область применения:** Финансы, налоги и налогообложение.

## RESUME

**Thesis of Juraev Abdugaffar Safarovich completed on a topic "Actual problems of formation of incomes to the state budget" of a seeker of a scientific degree of Doctor of Economics on a specialty of 08.00.07. "The Finance, monetary circulation and the credit"**

**Key words:** the state budget, incomes of the budget, tax incomes, not taxes incomes, tax violation.

**Subjects of the inquiry:** The activity of the Ministry of Finance and the State tax committee in the field of formation of incomes of the state budget.

**Aim of the inquiry:** revealing actual problems in the field of formation of incomes of the state budget and development of scientifically proved proposals and recommendations in their solutions.

**Method of inquiry:** methods of learning, logic, economic, scientific abstraction, the statistical analysis, and a method of comparison, index and normative grouping.

**The results achieved and their novelty:** studying of actual problems of formation of tax incomes of state budget and development of the concrete scientifically-proved proposals and recommendations for their solution which would promote the perfection of conceptual bases of formation of incomes of the state budget; for the purpose of increasing the stimulating role of the tax on property of legal persons, introduction of the concept of tax-free minimal size has been offered; it has been offered toughening a principle of a stability of the tax control for the avoidance and prevention of tax offences; the concept is developed, which allows to provide stability of incomes of the state budget.

**Practical value:** of dissertational research consists in definition of directions of perfection of system of formation of incomes of the state budget on a constant basis with the purpose of maintenance of their stability. The basic ideas and the conclusions offered in work, can be used with a view of optimization of the measures in a tax-budget practices, and also in preparation of a teaching materials for training in universities in such subjects as "Finance", "Taxes and the taxation ", " The State budget", etc.

**Degree of embed and economic effectively:** Number of proposals and recommendations of the dissertator which have been developed during preparation of the given research were introduced to the committee of Oliy Majlis Senate of Republic of Uzbekistan "The problems of budget-economical reforms", in the Ministry of Finance, in the State tax committee and in the Tashkent Institute of Finance and were approved.

**Sphere of usage:** Finance, tax and taxation.

Босишга рухсат этилди	09.04.05
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	2,2 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 16

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография  
усулида чоп этилди.

700084, Тошкент, Ҳ.Асомов кўчаси 7-уй